



АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» сotsial-demokratik partiyasi

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 52 (961) • 2013-yil, 27-dekabr, juma

Вазифалар аниқ, мақсадлар равшан

Қўшма йиғилиш

Жорий йилнинг 23 декабрь куни Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир» мавзудаги маърузасидан келиб чиқадиган хулосалар, бу борада партия ҳамда Қонунчилик палатасидаги фракцияси олдида турган долзарб вазифалар атрофича муҳокама қилинди.

Қўшма йиғилиш конструктив танқид ва баҳс-мунозаралар руҳида ўтди. Тадбир иштирокчилари таъкидлаганларидек, республикада сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтиришга оид ҳуқуқий база тобора мустаҳкамланмоқда. Партиялар ўзларининг дастурий вазифаларини самарали амалга ошириш учун сифат жиҳатидан янги имкониятларга эга бўлдилар, фракцияларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги, депутатлик гуруҳларининг эса ҳокимият вакиллик органларидаги ваколатлари кенгайди.

Шу билан бирга, йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон «Адолат» СДП ва унинг парламентдаги фракцияси мавжуд имконият ва ваколатлардан ҳали тўлиқ фойдалана олмапти, деган хулосага келишди. Хусусан, партиянинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессияларига таклиф киритиш, жойларда қонунлар ижросини назорат қилиш, парламентда қонунчилик ташаббусларини илгари суриш, партиянинг дастурий вазифалари ва сайловолди платформасини тарғиб этиш, электрот манфаатини парламент ва маҳаллий вакиллик органларида ҳимоя қилишдаги иштироки етарли эмаслиги қайд этилди.

2 ➤

Истиқлол ва илм-фан тараққиёти

Тошкентда 25 декабрь куни «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мустақиллик йилларида» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 70 йиллиги

Унда мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, Фанлар академиясининг илмий муассасалари, олий ўқув юртлари, илмий ҳамда тажриба-конструкторлик марказлари, халқаро ташкилотлар ходимлари, Хитой, Россия, АҚШ, Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон каби дунёнинг ўндан зиёд давлатидан илмий ҳамжамият вакиллари иштирок этди.

2 ➤

Бугунги кунда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларининг 71 тасида депутатлик гуруҳларига эга эмаслиги партиянинг ўз дастурий гоёларини ҳаётга жорий этишда, жойлардаги партия электротартига тааллуқли ижтимоий-иқтисодий масалаларни сессиялар кун тартибига олиб чиқишида қийинчилик туғдирмоқда.

Шунингдек, айрим вилоятларда ҳудудий партия ташкилотларининг кадрлар захираси лозим даражада шаклланмаганлиги сабабли 2013 йилда бўшаб қолган ўринлар учун ўтказилган сайловларда партия айрим округларда ўз номзодини кўрсатолмади.

Тадбир иштирокчилари шунингдек, тарғибот тадбирларининг кўпроқ партиянинг сайловолди дастуридаги энергетика тежамкорлиги ва муқобил энергия манбаларини ривожлантиришга йўналтириш билан чекланиб қолаётганлигини танқид қилдилар. Ўртбошимизнинг 2013 йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида партия томонидан кўплаб тадбирлар амалга оширилди, амалий ишларга қўл урилди.



Озод юртнинг обод уйлари

Янги йилни янги уйда кутамиз

3 ➤

Ватаним тақдири — менинг тақдирим

14 январь — Ватан ҳимоячилари кuni

Ватан ҳимоячилари кuni олдида ўтказилаётган ҳарбий ватанпарварлик ойлги доирасида Фарғона вилоятида ҳам ўқув юртлари, маҳалла ва меҳнат жамоаларида турли маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.



Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида навқирон авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмаган, юксак маънавий-етилиш инсонлар бўлиб вояга етиши, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш тизимида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг бош мақсадидир.

Вилоятдаги барча умумтаълим масканларида ҳарбий ватанпарварлик ойлги доирасида ҳарбийлар ва фахрийлар иштирокида «Жасорат дарслари», «Авлодлар учрашуви», «Эъзоз», «Эҳтиром», «Аждодлар қаҳрамонлиги — ёшларга ибрат» мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. «Буюк саркардаларимиз ҳаётининг» номли туркум маънавий таълим дастурида эса «Ўзбекино» миллий агентлиги томонидан ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида яратилган бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилаётди.

«Ватаним тақдири» — менинг тақдирим» номли ишчи, расм, деворий газета, фотосуратлар танлови, «Юрт тинчлигига бар-

чамиз масъулмиз» шиори остидаги ҳарбий-ватанпарварлик қўшиқларидан иборат концертлар, амалий ва техника йўналишидаги спорт тўғрақлари иштирокчилари ўртасидаги мусобақалар, «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари иқтидорли ўқувчиларни аниқлашга хизмат қилмоқда.

— Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур ойланинг асосий мақсади ёшларни мард ва жасур этиб тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлаш ва мамлакатимиз Қуролли Кучларида кечаётган ислохотлар моҳияти билан яқиндан таништиришдан иборатдир, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи З.Тешабоев.

— Ойлик доирасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 22 йиллиги олдида ўтказилаётган тадбирлар жойларда кўтаринки руҳда, юксак савияда ташкил қилинмоқда. Ҳарбийлар, фахрийлар билан учрашувлар, тарбиявий соатлар, ижодий танловлар, концертлар, спорт мусобақалари шулар жумласидандир.

М. СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири

Суратда: Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшини ҳарбий хизматчиси майор Алексей Гриневич ва рафиқаси сержант Лилия Гриневич фарзандлари Артур билан.

Муносабат

Эл-юрт тинчлиги — энг катта бойлик

Мустақиллигимизнинг йигирма икки йили орда қолди. Бугун балоғат ёшига етган навқирон авлод кўз ўнгида янги эркин жамият барпо этилди, тузум ва бошқарув тубдан ўзгарди. Одамларнинг дунёқараши, онг-шуури, давлат ва жамият ҳаётига муносабати янгиланди. Юртбошимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган миллий тараққиётнинг «ўзбек модели» давр синовидан муваффақиятли ўтди, дунё миқёсида эътироф этилди.

3 ➤

Ҳаётбахш орзуларимиз рўёби

«Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинган 2012 йилда турмушга чиқиб, оилали бўлганлигим орзуларимга ҳамоҳанг бўлди. Шу йили мактабга мутахассислигим бўйича инглиз тили фани ўқитувчиси бўлиб ишга кирдим ва кўп ўтмай Президентимизнинг «Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилиниши мени янада илҳомлантириб юборди.

3 ➤

Сиёсат

Вазифалар аниқ, мақсадлар равшан

Истиклол ва илм-фан тараққиёти

Афсуски, партиянинг сайловда дастуридаги бошқа устувор йўналишлардаги мақсадлар — «электрон ҳукумат» жорий этиш бўйича дастур ишлаб чиқиш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятни тартибга солишчи қонунчиликни янада ривожлантириш, инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этиш, уй-жой комплекси фаолиятини янада яхшилаш, аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш каби йўналишлар қисман эътибордан четда қолган.

Партия бу йўналишларда тақлиф ва ташаббуслар билан чиқиш ўрнига тадбирдорлик ва давлат томонидан амалга оширилаётган ислотларни қўллаб-қувватлаш билан чекланиб қоляпти.

Шу нуқтаи назардан, тадбирда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг давлат вазифаларини такомиллаштиришга қаратилган тақлифларни ўртага ташлаш, давлат ва жамият қурилишининг муҳим йўналишлари бўйича ўз позициясининг усул ва услубларини ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Кўшма мажлисда ижро ҳокимияти органлари вакилларининг партия электорати манфаатларига дахлдор масалалар бўйича ахборотини эшитиш юзасидан фракциялар ҳамда ҳокимиятнинг вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари фаоллигини янада кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Зеро, фракциянинг партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан



ҳолда қонун ижодкорлиги борасидаги ташаббускорлиги ёки электорат манфаатларига дахлдор масалалар бўйича иштироки кўзга ташланмапти. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» СДП, «Миллий тикланиш» ДП ва O'zLiDeP иш-тирокида Демократик блок тузилганга қарамай, унинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор долзарб масалалар, юртимиз тараққиёти билан боғлиқ муҳим қонун лойиҳалари юзасидан кўшма мажлислари деярли ўтказилмаётганлиги ҳам алоҳида тилга олинди.

Тадбирда 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилинганлиги юртимиз-

да мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ижтимоий ҳаётда бошланган кенг қўллаб-қувватлаш ишлари давом эттириш ҳамда янада юксак босқичга қўтаришга, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказишга мустаҳкам замин яратиши таъкидланиб, партиянинг соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги иштироки муҳокама қилинди, бу борадаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Иштирокчилар фикрига кўра, ёшлар нафақат мамлакат келажиги, балки давлат ва жамият тараққиёти олдида турган мақсадларга эришишда таянч ва хал қилувчи қучдир. Жисмонан соғлом ва маънан етук, мустақил фикр ва юқори

интеллекта эга, ўз Ватани тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир авлод — ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш йўлидан дадил бораётган мустақил давлатнинг муваффақияти гаровидир. Ёшларга берилаётган бу эътибор буюк давлат келажигига ётқизилган сармоядир.

Муҳокамалар якуни бўйича истиклолдаги режалар қўриб чиқилди. Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг барча даражадаги партиявий тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари бўйича аниқ қарорлар қабул қилинди.

Саодат СОДИҚОВА,
«Адолат» мухбири

Сўз — тадбир иштирокчиларига

Камола Ҳамидова,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Бугунги йўналишимиз партиянинг барча фаоллари, депутатлари учун фойдали бўлди. Биз Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган маърузасидан келиб чиқадиган хулосалар асосида ўз фаолиятимизни танқидий нуқтаи назардан таҳлил этдик. Маърузада парламент ва сиёсий партияларга берилган баҳо ўз ичига янгича назар ташлашга, фаолиятимизга жиддий масъулият билан ёндошишга, қонун ижодкорлиги жараёнидан тортиб, қонунлар ижроси устидан парламент назоратини ўрнатишга бўлган ишларда қатъият кўрсатишимизга даъват этди. Шу ўринда мен бир нарса ни эътибор этишим керак, биз фракция аъзолари қонун доирасида берилган ваколат ва имкониятлардан тўлиқ фойдалана олаётганимиз йўқ. Бунга биз ақинда сайловчилар билан жойларда ўтказган учрашувларимизда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Ҳаёт шиддат билан тез ўзгариб бораётган бир шароитда бизнинг қонун ижодкорлиги фаолиятимиз бугунги куннинг воқелиги ва талабларига жавоб берамайпти. Биргина мисол. Партиямиз дастурида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг қўллаб-қувватлаш ишлари изчил давом эттириш, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг амалий шакли ва услубларини ишлаб чиқиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга фаол қўллаш, суд ҳокимияти бўйсини мустаҳкамлаш «Адолат» партиясининг устувор мақсадларидан бири эканлиги таъкидланган. Бирок фракция бу борада ташаббускорлик кўрсата олганича йўқ. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислотларни изчил давом эттириш, суд ходимларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга қаратилган ишларнинг барчаси давлат томонидан амалга оширилди.

Фракция бу ва бошқа йўналишларда ҳам электоратни қизиқтираётган масалалар бўйича парламент эшитувини ташкил этганини ишчиликни қайта қўриб чиқиш лозимлигини кўрсатди. Йўналишда билдирилган барча фикрлар бўйича биз тегишли қарор қабул қилдик. Унга кўра, Ўзбекистон «Адолат»

СДПнинг барча даражадаги партиявий тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб олдик.

Рустам Тошхўжаев,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Жиззах вилояти кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти раиси:

— Бугунги муҳокамалар давомида биз бўлгани — Соғлом авлод йилида Ўзбекистон «Адолат» СДП «Ёш адолатчилар» қаноти томонидан амалга оширилиши керак бўлган аниқ мақсадли режаларимизни ҳам муҳокама қилдик. Президентимиз маърузаларида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши биз ёшларни руҳлантириб юборди. Ёш-атрофимизда нотинчликлар, қуролли можаролар, молиявий танглик, мафкуравий ва «оммавий маданият» ҳуружлари давом этаётган, дунёнинг қатор мамлакатларида ёшлар ҳуқуқи камситилаётган, миллионлаб болалар бошлангич таълим олиш, бепул даволаниш имкониятидан мосуво бўлиб қолаётган бир пайтда Ўзбекистонимизда келажак эгаларига қаратилаётган юксак эътибор бор куч-гайратимизни она-Ватан тараққиёти йўлида сафарбар этишга ундайди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ёшларни нафақат мамлакатимиз келажиги, балки давлат ва жамият ривожини йўлидаги мақсадларга эришишда таянч ва хал қилувчи куч, деб билади. Жисмонан соғлом ва маънан етук, мустақил фикрга эга, Ватан тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир авлод — ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш йўлидан дадил бораётган мустақил давлатнинг муваффақияти гаровидир. Ёшларга берилаётган эътибор бу буюк давлат келажигига ётқизилган сармоядир.

Шундан келиб чиқиб биз йўналиш якуни бўйича ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини, фаоллигини ошириш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, оилада соғлом мухитни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, болаларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишга қаратилган қатор лойиҳаларни жорий этиш ниътидамиз. Бу борада партия томонидан ёшлар ва аёллар ташкилотлари, маҳаллалар, маъмурият соҳага дахлдор бошқа жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш чораларини белгилаб олдик.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Туғруқ ёшидаги 7 миллион аёл ҳамда 7 миллион 300 минг нафар бола тиббий кўрикдан ўтказилди, 195 минг нафар ёлғиз қариялар, ногирон ва пенсионерларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди.

Иип мобайнида мамлакатимиз бўйича 311 миллиард сўмлик бюджет маблағи ҳисобидан 146 та замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди. Жумладан, Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида янги даволаш корпуси ва диагностика бўлими, болалар касалликлари санаторийси барпо этилди. Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида тиббиёт бирлашмаси, Сурхондарё вилоятида кўп тармоқли болалар ва катталар тиббиёт марказлари, Фарғона вилоятининг Ўзбекистон ва Қўштепа туманлари тиббиёт бирлашмалари ва бошқа ўнлаб касалхоналар тубдан реконструкция қилинди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳридаги Педиатрия тиббиёт институти клиникасида ҳамда Республика педиатрия ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказида янги жарроҳлик корпуслари ишга туширилди. Биргина 2013 йилнинг ўзида Республика ихтисослашган хирургия марказининг кардиохирургия мажмуаси ва бошқа шундай шифохоналарда юрак-қон томир касалликларига чалинган 4 мингдан зиёд бемор дардига даво топди.

Ўзбекистон Республикаси

Фанлар академияси президенти Ш.Солихов ишлаб чиқаришнинг илғор технологиялар негизини сифатли янгилаш ҳисобида кўллаб-қувватлашнинг илғор рақобатбардошлигини оширишга асосланган инновацион иқтисодиётни шакллантириш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида амалга оширилаётган кенг қўллаб-қувватлашнинг илғор ислотларининг устувор йўналиши эканини таъкидлади. Шу мақсадда илмий-техник соҳани мустаҳкамлаш, хусусан, истиклол йилларида илмий тадқиқотлар олиб борилмайдиган ва интеллектуал инновацион маҳсулотлар яратилмайдиган етакчи марказга айланган Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштиришга оид комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан Фанлар академиясини янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослаштириш, иқтисодиётимиз эҳтиёжларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорига муносиб рақобатлаша оладиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун шарт-шароит яратиш, инновацион фикрлай оладиган янги авлод илмий кадрларини тайёрлашга оид қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 7 августда қабул қилинган «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги, 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги, 2010 йил 2 ноябрдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорлари ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда Фанлар академияси илм-фан, техника, маданият ва маърифат соҳаларида долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича муҳим фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бораётган. Ҳаётимизда муассасаларнинг самарали фаолият юритилиши, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни мувофиқлаштириш, илм-фан ютуқлари ҳамда технологияларини амалиётга ўз вақтида жорий этишни таъминлаб, юқори малакали илмий кадрлар тайёрламоқда. Бу эса мамлакатимизнинг интеллектуал, иқтисодий ва маънавий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Конференцияда айни пайтда Фанлар академияси ўз таркибида 32 илмий-тадқиқот муассасаси, жумладан, 23 йирк илмий-тадқиқот институти, илмий марказ, ихтисослаштирилган конструкторлик технология бюроси, тўртта музей, шунингдек, иккита илмий-тадқиқот институтига эга Қорақалпоғистон бўлими ҳамда Хоразм Маъмур академиясини бирлаштиришга қаратилган.

Шу билан бирга, Фанлар академияси илм-фан ва таълим тизими интеграциялашувини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бормоқда. Мамлакатимиз таълим тизимининг турли даражадаги илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда қатор қўшма кафедралар ташкил этилган. Бакалаврият ва магистратура босқичи талабалари ушбу кафедралар базасида нафақат энг сўнгги тадқиқот ишланмалари билан таълим олиш, балки уларни ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиш имконига эга бўлаётган. Ёш ходимлар асосан давлат илмий-техник дастурлари бўйича танлов лойиҳаларини бажаришга жалб этилаётган.

Истиклол мамлакатимиз ёш олимларига жаҳон илм-фани олдига турган долзарб масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этиш имконини берди. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурда Кембриж университети (Буюк Британия) иштирокида Юқори технологиялар мар-

казининг ташкил этилгани ҳам бунга ёрдам берди. Инновацион лойиҳалар ишлаб чиқувчилар орасида ёш мутахассисларнинг улуши тобора ортиб бораётган. Ёш олимлар кенгаши истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича илм-фан йўлини танлаган ёшларни рағбатлантиришга қаратилган мақсадли стратегия ишлаб чиқди.

Мустақиллик йилларида Фанлар академияси улкан янгиланиш йўлини босиб ўтди ва салмоқли муваффақиятларга эришди, халқаро обрў-эътиборга сазовор бўлди. Буни халққаро илмий-амалий конференциянинг хорижий иштирокчилари ҳам алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасида маданиятларимиз умумийлиги, халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларга асосланган яқин илмий-техник алоқалар ҳамма билан, — дейди Озарбайжон Миллий фанлар академиясининг техник фанлар бўйича вице-президенти, академик Иброҳим Қулиев. — Истиклол йилларида Ўзбекистон илм-фани янги рағбатларга эга бўлгани, давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани самарасида қатор йўналишлар бўйича дунё миқёсида оламшумул натижаларга эришганини мамнуният билан қайд этмоқчиман. Кўёш энергетикаси, ген инженерияси, нобэ астрономик кашфиётлар шундай ютуқлар сирасига кириди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Фанлар академиясининг Астрономия институтига япониялик олимлар томонидан 22948-кичиқ сайёра-астероид кашф этилгани унга «Халқаро астрономия иттифоқи «Майданак» номини бергани ҳам олимларимиз илмий ютуқлари эътирофидан далolatдир. Гарвард кичик сайёралар маркази томонидан чоп этилган хабарда Майданак Ўзбекистонда жойлашган жаҳон миқёсидаги астрономик обсерватория экани таъкидланган. Умуман, чет эллик астрономлар турли вақтларда кашф этилган беш кичик сайёрага жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимиз шарафига Ўзбекистон, Авиченна, Улуғбек, Беруний ва Хоразмий номини берган. Яна бир сайёра 2009 йилда ўзбекистонлик олимлар томонидан Майданак обсерваториясида кашф этилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг тақлифига биноан унга азалдан жаҳон астрономияси маркази бўлган шаҳар Самарқанд номи берилди.

Ўтган йиллар давомида Фанлар академияси олимлари халққаро аҳамиятга молик бошқа кўплаб муҳим фундаментал илмий натижаларга эришди. Геннокаут технологияси ёрдамида гўзаининг илдиз тизими ривожланган, ҳосилдорлиги юқори, толаси сифатли, эртапишар ва шўрланмишга чидамли нобэ трансенг навнининг яратилгани мамлакатимиз пахтачилигида эришилган энг катта илмий ютуқ бўлди. Олимларимиз томонидан серҳосил «Мехнат» ва «АН-16» гўза навлари ҳам яратилиб, улар ҳар йили катта майдонларда етиштирилмоқда. Бундан ташқари, 10 жилдлик нобэ «Табий бирикмалар (табiiй ресурслар, тузилма ва хусусиятлар)» илмий-амалий наشري тайёрланди, илк бор инглиз тилида чоп этилди, маҳаллий ўсимлик хомашёси асосида ўттиздан зиёд доривор препаратлар яратилди.

— «Шпрингер» наشريёти (Лондон) томонидан 10 жилдлик нобэ «Табий бирикмалар (табiiй ресурслар, тузилма ва хусусиятлар)» илмий-амалий нашининг инглиз тилида чоп этилгани олимларимизнинг сўнгги ютуқларидан биридир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари қимёси институти катта илмий ходими, Ёш олимлар кенгаши раиси Собиржон Сасмаков. — Унда турли тоифаларга мансуб 7,5 мингдан зиёд табiiй бирикма ҳақида маълумот берилган. Ҳали ёш бўлсам-да, ушбу

китеб ҳаммуаллифларидан бири эканимдан гоят хурсандман. Йирик мутахассислар ушбу нашр ҳақида ижобий фикр билдиргани ҳамда унинг жаҳон илмий ҳамжамиятида нобэ қўллаш сифатида эътироф этилганини мамлакатимиз илм-фани ютуқларидан бири деб биламан.

Айни пайтда Ўзбекистон Фанлар академияси муассасаларининг жаҳондаги йирик илмий марказлар билан тўғридан-тўғри илмий алоқалари тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида сезиларли равишда кенгайиб бормоқда.

— Институтиимиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан турли йўналишларда фаол ҳамкорликни йўлга қўйганига ўн йилдан ошди, — дейди Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясининг Синьцзян қимё ва физика техника институтининг лаборатория мудири, профессор Абулим Юли. — Бугун Ўзбекистонда дори препаратларини яратиш ва ишлаб чиқариш, илмий кадрлар тайёрлаш марказини ташкил этиш лойиҳаси устида ҳамкорликда ишламоқдамиз. Бундан ташқари, икки илмий муассаса — биоорганик қимё ва ўсимлик моддалари қимёси институти билан ҳам ўқимкорлик қилиб, доривор ўсимликлар соҳасида олиб бораётган тадқиқотларимиз ўзининг амалий натижаларини бераётган.

Конференция иштирокчиларининг фикрича, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари томонидан тўғри танлаган стратегия самарасида мамлакатимизни изчил ва барқарор ривожлантиришнинг мустаҳкам пойдевори яратилган. Мамлакатимизда нефть, газ, металлургия, қайта ишлаш ва бошқа қатор саноат тармоқлари, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг жадал ривожланаётгани ҳам бунга ёрдам берди. Бу эса Ўзбекистонда илм-фан ва инновацион технологияларни янада ривожлантириш йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорида илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни ривожлантириш, уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш жараёнида татбиқ этишни рағбатлантириш бўйича амалий механизмлар яратиш, фан ва ишлаб чиқаришининг янада мустаҳкам алоқасини таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистонда илмий, таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш ташкилотлари иштирокида ҳар йили Инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмақаси ўтказилмоқда.


Бўлиб ўтган олти шундай ярмаркада Фанлар академиясининг 20 муассасаси томонидан яратилган илмий маҳсулотларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича умумий қиймати 54 миллиард сўмдан зиёд 660 дан ортиқ битим ҳамда ахдлашув шартномаси тузилди.

Конференцияда Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш, глобаллашув жараёнида Фанлар академиямиз олдида янги вазифалар қўйётгани таъкидланди. Бугунги кунда олимларимиз юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган кенг қўллаб-қувватланаётган ишларидан фаол иштирок этиб, уларнинг янги-янги ютуқлари билан мамлакатимиз ва жаҳон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Иқромов сўзга чиқди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

Жараён



Ҳаётбахш орзуларимиз рўёби

Акс-садо

Яқунига етаётган 2013 йил ҳар бир юртошимиз ҳаётида маълум янгиликлар, қувончли давларга бой бўлди. Мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг бахтли ҳаёт кечериши, оилалар фаровонлигини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари барчамизнинг ҳаётимизда, кундалик турмушимизда амалий ифодасини кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан жамиятдаги янгиликларни ўзгаришлардан келиб чиқиб, ҳар бир йилга муайян ном берилган бўлиши, унда ҳали элдинга дунёга келиши кутилаётган чақоқдан тортиб, нуруний отахону онахонларга, ёшлар, хотин-қизлар, кўйинги, аҳолининг барча ижтимоий қатламлари манфаатларининг ифода этилаётганлиги мамлакатимизда барча ислохотлар фақат инсон ва унинг фаровон турмуши, ёруғ келажаги учун амалга оширилаётганлигининг яққол тасдиғи, деб биламан.

Аслида барчамизга дахлдор бўлган йилларга ном бериш анъанасининг нақадар ҳаётий аҳамиятга эга эканлигини яқиндагина мустақил ҳаётга кириб келган аёл сифатида шахсан ўзимнинг турмушим мисолида кўриб, ростки гап хайратга тушаман.

Масалан, «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинган 2012 йилда турмушга чиқиб, оилани бўлганлигим орзуларимга ҳамроҳ бўлди. Шу йили мактабга мутахассислигим бўйича инглиз тили фани ўқитувчиси бўлиб ишга кирдим ва кўп ўтмай Президентимизнинг «Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилиниши мени янада илҳомлантириб юборди.

Барча ўзбек аёллари сингари турмуш ўртоғим билан оилани ахиллиги, мустаҳкамлиги йўлида янгидан-янги мақсадлар, ниятлар билан яшашда давом этаётган бир пайтимизда 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши-ю, шу йил бошида фарзандли бўлганимиз оиламизга олам-олам қувонч, бахт олиб келди. Фарзандим атак-чек қилиб юра бошлаган айни кунларда, унинг таъбир жоиз бўлса биринчи муваффақиятини кўриб, оналик бахтидан масрур бўлиб юрган бир пайтимда Президентимизнинг маърузасини тинглаб, қалбим яна бир бор қувончга тўлди. Юртошимиз томонидан келаятган йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилинган эса беғубор кўзларимда олам қувончи, оиламиз истиқболи акс этиб турган фарзандимнинг эртанги кунига ишончимизни янада мустаҳкамлади.

Буни мен каби ҳар бир ўзбек аёли, дилбандини бағрига босиб, унинг ёруғ келажагини орзу қилиб яшаётган ҳар бир она хис қилган бўлса, не ажаб.

Аслида келажақ авлодга, хотин-қизларга бўлган эътибор бугун бошланган эмас, албатта. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг мустаҳкам механизми яратилганлигига ҳамилдорлик пайтимда ва

фарзандим туғилгандан сўнг бизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва юксак эътибор мисолида гувоҳ бўлиб келяман. Хусусан, ҳамилдорлик вақтида ҳали дунё юзини кўрмаган фарзандим ҳар томонлама соғлом бўлиб туғилиши учун оилавий поликлиникаимизнинг конюяр тиббиёт ходимлари томонидан мунтазам назорат остида бўлганлигим, белул асосда поливитаминлар билан таъминлашим мен ва мен каби оналарни хурсанд қилмасдан қолмайди. Бу нафақат биз, она ва болага бўлган ғамхўрлик, балки юртимизда эртанги кунда ҳар томонлама етук ҳамда баркамол авлод шаклланиши учун бугундан, яъни олдиндан қўйилаётган қадам ҳамдир.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир ота-онанинг дилидагини тоғиб гапирганларидек, бугун биз ҳам энг аввало фарзандимизнинг саломатлигини, унинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб вояга етиши орзусида яшаймиз. Уйлайманки, бунинг учун юртимизда барча шароитлар яратилган ва йилдан-йилга такомиллаштириб борилаётган. Қолаверса, биз хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш, оғиримизни енгил қилишга қаратилган эътибор ҳақида ҳам ҳар қанча гапирсак ҳам.

«Қачон аёл бахтли бўлади? Қачон аёл ҳаётдан рози бўлади?» Бу саволга менда ҳам жавоб бор! Яъни болам, оиламиз авлодимиз, турмуш ўртоғим соғ-омон бўлишса — бахтлиман! Оилам тинч, рўзгорим фаровон — демакки, ҳаётдан розиман!

Зулхумор ЖАББОРОВА,
Қўрай тумани 11-умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Улуғ саодат

«Адолат»нинг адолатли аёллари

Бугун ўзбек аёли рўй бераётган воқеа-ходисалар, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Ватан ва миллат тақдири ҳамда ҳаётий муаммоларга нисбатан фаол фуқаролик позициясига эга экани жамиятнинг барча соҳаларида аёллар ўрни-нинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Зеро, оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу бираҳат киритадиган, хондонларимизни меҳрмуҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, муносиб опасингилларимиздир.

Шу ўринда Ўзбекистонда истиқлол йилларида хотин-қизлар масаласига давлат сиёсати даражасида аҳамият берилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Натижада аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этувчи хотин-қизлар ислохотларнинг фаол иштирокчиларига айландилар.

Айни пайтда партиямизнинг 90 минг нафардан зиёд аъзоси бўлса, уларнинг қарийб 50 фоизини аёллар ташкил этмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси жамиятда хотин-қизлар роли ва мақомини юксалтириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиши, партия хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этиш, чуқур билим ва касб маҳоратига эга хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш тарафдори эканлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда фаолият

кўрсатмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси бу йўналишдаги фаолиятини аниқ мақсадга қаратилган йирик лойиҳалар орқали амалга ошириб келмоқда. Аёллар, ёшлар ва электорат манфаатларини ифода этишга қаратилган лойиҳалар, шубҳасиз, партиянинг жамоатчилик орасидаги нуфузини, обрў-эътиборини оширишга хизмат қилаётди. Партиянинг «Аёллар қаноти» Кенгаши фаоллари ташаббуси билан ҳар йили ўтказиб келинаётган «Партиянинг оқила аёли» кўрик-танловини ҳам шундай лойиҳалар сирасига киритиш мумкин.

Ушбу танлов Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, юксак билим ва малакага эга бўлган оқила хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини кучайтиришга, ташаббусларини рағбатлантиришга, сиёсий етук аёллар ҳисобига партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, уларнинг мамлакатимиздаги сайлов тизими ва қонунийлик борасидаги билимларини юксалтиришга, республикамизнинг олис қишлоқларидаги аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ишига хисса қўшмоқда. Мана икки йилдирки, ушбу кўрик-танлов нафақат хотин-қизлар, балки барча партия аъзолари

ривости янада жипслаштиришга, фаоллаштиришга ёрдам бермоқда десак, муболага бўлмайди. Урни келганда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фаолияти хотин-қизларнинг жамиятдаги деярлик қисмини янада демократлаштириш, амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросида беvosита иштирок этиш, ёшлар ва аёлларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги фаолияти бирмунча яхшиланди.

«Обод турмуш йили» да «Аёллар қаноти» ташаббуси билан партияимиз сайловоти дастури доирасида бошқа бир қатор лойиҳа ва семинарлар уюштирилди. Хусусан, «Соғлом бола йили» сифат ва фойдаланиш имконияти кафолатлари йўналиши»га оид «Шаҳар ва қишлоқда бир хил шароит» лойиҳаси мактабгача таълим муассасаларида тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган. Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, жумладан, одам савдоси олдини олиш, республика ташқарисида узоқ муддат бўлиб қайтган хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, уларга тиббий психологик ёрдамни ташкиллаштириш бўйича Ўзбекистон «Адолат» СДП «Аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш» бўлими ва Хотин-қизлар қўмитасининг қўша лойиҳа бўйича чора-тадбирлар режаси, «Обод турмуш йили» да хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва маиший шароитларини яхшилашда банк кредитларининг роли мавзусида семинарлар юзлаб аёлларнинг иш билан таъминланиши ва ўз бизнесига эга бўлишига хизмат қилди.

2013 йил мобайнида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, партияимиз мақсад ва вазифалари билан

яқиндан таништириш, уларнинг қўбиллиги, истеъодларини рўёбга чиқариш орқали сафдошларимизнинг жамиятдаги мақоми юксалтиришга қаратилган 700 га яқин тадбирлар ўтказилди, уларда минглаб аёлларнинг қамраб олингани улкан аҳамиятга эга бўлди. Келгуси йилнинг «Соғлом бола йили» деб номланиши ҳам зиммамиздаги маъсулиятни оштиради. Шубҳасиз, соғлом боланинг дунёга келиши биринчи навбатда онанинг соғлиғига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан келгуси йилдаги лойиҳаларимизда аёлларни турли касалиқлардан ҳимоя қилиш, оиладаги маънавий муҳитни янада яхшилаш, хотин-қизларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашишга ёрдам бериш, эрта никоҳларнинг олдини олишга йўналтирилган лойиҳаларни, семинар ва давра суҳбатларини амалга ошириш ниятида-миз.

Уйлайманки, мазкур режалар доирасидаги ишларимиз қабул қилинадиган «Соғлом бола йили» Давлат дастуридаги устувор вазифаларни амалга оширишда аёлларимизнинг янада кенгроқ иштирок этишларини таъминлашга хизмат қилади.

Муҳтарам айтганда, амалга оширилаётган ислохотлар ўзбек аёлларининг бошқалардан ҳеч ҳам кам эмасликларини исботлаб, салоҳиятини имкониятларини кенгайтириш асносида уларни қизгин фаолият майдонига олиб кирди. Бу биз ўзбек аёллари учун улуғ саодатдир.

Муҳтарам ДАДАХОДЖАЕВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Марказий аппаратининг
Аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш бўлими мудири



Эл-юрт тинчлиги — энг катта бойлик

Давоми. Боши 1-бетда

Миллий тараққиёт йўлига кирган ҳар бир жамият, табиийки, узоқ давом этадиган бўлишига эришиши учун интилийнинг бир неча босқичларидан ўтади. Бир босқичнинг муваффақияти иккинчи босқич муваффақиятига, бир муаммонинг ҳал этилиши иккинчи муаммонинг ечимига асос бўлади. Шундай экан, ҳар босқич яқунлари танқидий нуқтаи назардан чуқур ва атрофлича таҳлил этилиши, ютуқ-камчиликларнинг сабаблари ўрганилиши гоят муҳим.

Шу маънода Президентимиз томонидан халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Сурхондарё вилоятида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, унинг бугунги ва эртанги кунини билан боғлиқ ҳолда билдирилган мулоҳазалар бундан тегишли хулосалар чиқаришга ундайди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқини тинглаган эканман, тинч-тотув, ахил-иноқ Ўзбекистонда яшаётганимдан беҳад гурурандим. Бу ёруғ дунёда энг катта бойлик бу —

эл-юртнинг тинчлиги, одамлар орасидаги меҳр-оқибат, ҳурмат-эҳтиром десак, янглишмаган бўламан. Бугун мустақил, озод ва обод, ўзи танлаган йўлидан буюк келажаги сари дадил одимлаётган Ўзбекистонга, вилоятларимизга, киёфаси кун сайин, ой сайин ўзгариб бораётган шаҳар ва қишлоқларимизга дунёнинг ҳаваси келиб турибди. Буни Сурхондарё мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бир вақтлар бугунги улкан қурилишлари, кенг қамровли бунёдкорлик ишларини, оддий меҳнат кишилари, айниқса, ёшлар учун яратилаётган ижтимоий, маданий-маиший шароит ва имкониятларни ҳатто тасаввур қилиш мумкин эмасди. Биргина Термиз шаҳрини олсак, мустақил тузум даврида харбий гарнизон вазиқасини ўтаган вилоят маркази деярли қайта қурилди, қурилганда ҳам дид-фаросат билан узоқни кўзлаб, замонавий архитектура ва шаҳарсозлик илми ютуқларидан унумли фойдаланиш ҳолда, мухтарам Юртошимизнинг маслаҳатлари асосида қурилди ва қурилиш ишлари бугун ҳам давом этмоқда. Вилоятда иқтисодийнинг турли соҳа ва тармоқларини янгилаш, модернизация қилиш мақсадида 2005-2013 йиллар мобайнида барча

манбалар ҳисобидан 2 миллиард 877 миллион долларлик инвестициялар ўзлаштирилди. 2013 йил якуни бўйича вилоят иқтисодийнинг барча соҳаларида ўсиш кузатилаётган.

Юртошимиз Сурхондарёда халқ ҳўжалигининг етакчи соҳаларида эришилаётган ютуқларнинг эътирофи этиш билан бирга, вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида мавжуд бўлган камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятлар, эътибордан четда қолаётган муаммоларни ҳам атрофлича таҳлил қилиб, уларнинг ечими хусусида зарур маслаҳат ва кўрсаткичлар берди. Вилоятдаги мавжуд вазиятни яхши томонга ўзгартириш учун аввало, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлар намуна бўлиши, ташаббусларини бораятганлиги, уларга давлатимиз раҳбари томонидан катта ишонч билдирилётганини намойиш этади. Бу ишончга яраша Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят кенгаши фаоллари ва барча даражадаги депутатлар тўғри хулоса чиқариб олишлари талаб этилади. Халқ вақили сифатида биз депутатлар ва

партия фаоллари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишимиз, ҳокимликларнинг ҳисоботларини эшитишимиз, сессияларда партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларидан келиб чиқиб, қолаверса, ҳудудлардаги муайян ижтимоий-иқтисодий муаммолар юзасидан ижро ҳокимиятлари олдида аниқ, жўяли тақлифларни қўйишимиз даркор. Юрт ва халқ манфаати шахсий манфаатлардан устун қўрилган тақдирда олдимизга қўйилган буюк мақсадларга эришиш янада тезлашади.

Ҳаёт тўхтовсиз ривожланиб, такомиллаштириб бормоқда. Одамларнинг дунёқараши, турмуш тарзи ўзгармоқда. Бундай шароитда кенгаши муваффақиятлар билан қаноатланиб қолмай, янги-янги имкониятларни қидириб топиш, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш, улар қалбига йўл топиш, эзгу тақлиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, раҳбарлик одоби ва маъсулиятини унутмаслик гоят муҳимдир.

Бахтиёр ЖҲРАЕВ,
халқ депутатлари
Бойсун тумани кенгашига
Ўзбекистон «Адолат» СДПдан
сайланган депутат

Янги йилни янги уйда кутамиз

Давоми. Боши 1-бетда

Қишлоқ аҳоли пунктларини замонавий лойиҳалар бўйича комплекс қуришга қаратилган дастурга мувофиқ, 2009-2012 йилларда Тошкент вилоятида намунавий лойиҳалар асосида 2 минг 355 ўй-жай бунёд этилиб, ўз эгаларига топширилди. Президентимизнинг 2013 йил 4 январда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги ўй-жайлар қурилишининг 2013 йил дастури тўғрисида»ги қарорига биноан вилоятда бир минг эликта ўй-жай қўйилди. Ана шу уйлاردан бири Машраб Абдуллаевга насиб этди.

— Янги йилни янги уйда кутадиган бўлдик, — дейди Машраб. — Байрам арафасида Юқори Чирчиқ туманидаги «Истиклол» қишлоқ фуқаролар йиғинида бунёд этилган уйлاردан бирига кўчиб ўтдик. Бундан ниҳоятда хурсандимиз. Намунавий лойиҳа бўйича қурилган уйимизнинг катта йўл бўйида жойлашгани, шифохона, мактаб ва болалар богчасига яқинлиги бизга катта қулайлик туғдирмоқда. Машрабнинг икки қиз, бир ўғли бор. Янги уйда болалар учун ҳам барча шароитлар яратилган. Президентимиз таъкидлаганидек, бундай шинам уйларида вояга етган болаларнинг соғлиғи, фикри, дунёқараши ҳам бошқача бўлади.

Юқори Чирчиқ туманининг «Истиклол» қишлоқ фуқаролар йиғини худудида барпо этилган янги массивда озиқ-овқат дўкони, дорихона, новвойхона ва маросимлар зали фаолияти йўлга қўйилган. Автомобиллар учун тўхташ жойи ва ҳар бири қарийб 20 сотихли иккита бог бунёд этилган. Футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, турил аттракционлар ўрнатилган болалар боғи ҳам аҳоли хизма-тида.

2009-2012 йиллари тумандаги «Барданкўл», «Тинчлик», «Оқовул», «Истиклол» ва «Сақсонота» қишлоқ фуқаролар йиғинларига қарашли худудларда намунавий лойиҳа бўйича барпо этилган бир юз етмишдан ортиқ ўй-жай фойдаланишга топширилди. Бундай ўй-жайларга қизиқиш ва талабнинг ортиб бораётгани ҳисобга олиниб, 2013 йил Юқори Чирчиқда 237 замонавий ўй бунёд этилди. Айни кунларда улар бирин-кетин ўз эгаларига топширилмоқда.

— Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида қишлоқларимизда қад рўстлаётган намунавий ўй-жайлар, замонавий таълим, тиббиёт муассасалари, ишлаб чи-

қариш объектлари, спорт иншоотлари халқимиз ҳаётини тубдан ўзгартириб, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда, — дейди Юқори Чирчиқ тумани ҳокимининг ўринбосари Анорбой Салимов. — Кейинги йилларда туманимиздаги қишлоқларда намунавий лойиҳа бўйича қўллаб-ўй-жайлар, янги мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, шифохоналар, стадионлар қурилди. Бир қанча таълим ва тиббиёт муассасалари капитал реконструкция қилинди, таъмирланди. Хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари кўпаймоқда. Йўллар талаб даражасига келтирилиб, атрофи ободонлаштирилаётди. Аҳолини табиий газ, ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминлаш даражасини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бошқача айтганда, қишлоқларимизда шаҳардагидан қолишмай-диган шарт-шароит яратилаётган. Бундан барча миннатдор.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири
Суратда: янги уйда кўчиб ўтган
Абдуллаевлар оиласи.
О.МИРСОАТОВ (ЎЗА) олган сурат

Вазиятга назар

Урганчлик шифокорлар

имкониятлардан унумли фойдаланишмоқда

Тиббий хизмат самараси

Эл соғлиғини юрт бойлигига айлантираётган Урганч тумани тиббиёт бирлашмаси шифокорлари аҳолига малакали хизмат кўрсатишга эришмоқдалар. Соҳага оид қарорларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, "Саломатлик" дастурлари доирасидаги ишларни кучайтириш, хизмат кўрсатишни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш ва тармоқни такомиллаштириш, янги босқичга кўтариш борасидаги қизғин саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

— Барча соҳалар қатори тиббиётдаги ислохотлар элга катта наф келтиряпти, — дейди бирлашма раиси Баҳром Файзуллаев. — Жойларда ишлайётган қишлоқ врачлик пунктлари, кўп тармоқли поликлиникалар, шифохоналар аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим воситага айланмоқда. Эътибор берсангиз, яқин ўтмишда ҳамма марказий шаҳарлардаги шифохоналарда муолажа олишиб, саломатлигини тиклашарди. Истиқлол шуқуҳи ила мамлакатимизда миллий тиббиёт тез тараққий этди. Ўртимиз шаҳару қишлоқларида аҳолига кўплаб қулайликлар яратилди.

Кенг қўламли бу улғувор ишларнинг шарофати билан одамлар онгу шуури ўзгарди. Энди улар ўз соғликлари

ҳақида қайғураётганлардан бир умр миннатдор. Ахир кишлоғида КВП, жойларда поликлиникалар, туман марказларида турли шифо масканлари ишлаб турибди. Уларнинг ҳар бирида юқори малакали шифокорлар фаолият кўрсатмоқда. Соҳага оид янгиликларни, илғор тажрибаларни кенг қўллашмоқда. Шу билан биргалликда чет эллардан келтирилаётган замонавий тиббий ускуналар ва жиҳозлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган соҳанинг истиқболига хизмат қиляпти. Натижада беморларнинг урганчлик шифокорларга бўлган ишончи ортиб бораёпти. Уларнинг қўлида даволаниб, ўз саломатлигини тиклашни, яшаш жойидаги тиббиёт муассасалари хизматидан фойдаланишни афзал



кўрмоқда. Юқори малакали, касбига садоқатли, янгиликка ўч шифокорлардан дардига шифо топмоқда.

Урганч тумани тиббиёт бирлашмаси жамосининг кейинги пайтда айниқса, аҳолига малакали хизмат кўрсатишда замонавий техникалардан унумли фойдаланиб келаётганлиги яхши натижа беряпти. Бу қўлай имконият туман аҳолисининг саломатлик кўрсаткичлари янада яхшиланишига шарт-шароит яратмоқда. Тажрибали кардиолог Икром Собиров

бошқараётган реабилитация бўлими шу соҳадаги ишларнинг дебочасидир. Хоналари шинам, барча қулайликларга эга бу бўлим бундан тўрт йил аввал ташкил этилган эди. Ҳозирги кунда бу ерда бир пайтнинг ўзида 25 нафар беморга тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Юрак қон-томир касалликлари ва бошқа хасталикларга чалинганлар даволаниб, соғлиғини тикламоқда. Оқ халатли шифокорлардаги юксак бурчга эътиқод ва касбга садоқат беморларни соғлом

ҳаётга қайтармоқда. Уларнинг қалбиди умид ва ишонч туйғуларини уйғотяпти.

Бирлашма жамоасининг ўз кучи билан четдан маблағ жалб қилмай амалга ошираётган ишлари ҳам эътиборга молик. Туман марказий шифохонасидаги кўп тармоқли поликлиниканинг "Узи" хонаси грант асосида Япониядан келтирилган замонавий ташхис аппарати билан жиҳозланди. Олий тоифали шифокор Муъясар Сатторова айти пайтда мазкур ускуна мохирина



бошқариб, беморларга турли касалликларини ўз вақтида баҳолаб аниқлаб бермоқда. Диагностика бўлимининг "Эндоскопия" хонаси ҳам доимо миқозиниядан грант асосида яқинда олиб келинган энг сўнгги русумдаги эндоскопия аппарати ўрнатилган. Олий тоифали шифокор Шухрат Болтабоев билан ҳамшира Манзура Сапаева бу замонавий техникани мохирина ишлатиб, хаста кўнғилларга малакали тиббий хизмат кўрсатишяпти.

— Келиб-кетувчиларнинг ошқозон-ичак йўлидаги аъзоларини текшириб, ташхис қўйиб беряпмиз, — дейди Шухрат Болтабоев. — Уларнинг қўлларига бу аъзолари қандай ҳолатда эканлигини кўрсатиб берувчи "DVD" дискларини ҳам тутқазаяпмиз. Табиийки, мутахассис томонидан

қўйилган аниқ ташхис беморларни ўз вақтида тўғри даволашда, касалликларнинг олдини олишда асқотади.


Мамлакатимизнинг сўлим гўшаси бўлган Урганч туманида бугун аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишда янгидан-янги имкониятлар юзага келмоқда. Соҳа жонқуярларининг билим ва маҳорати ана шу кутлуғ мақсад йўлида сафарбар қилиняпти. Зеро, соғлиқ — бебаҳо бойликдир. Қолаверса, соғлом турмуш кечириш инсонга доимо зийнат бағишлайди. Аммо шу гўзал туйғунинг қадрига етиш ҳамманнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шундай экан, ўзингизга эътиборсиз бўлманг! Соғлигингизни ҳамиша авайлаб-асранг.

Рустанжон АХМАДАЛИЕВ,
«Adolat» мухбири

Муаммога илмий ечим — тараққийётга асосли таклиф

Инновация

Ҳар қандай мамлакатнинг барқарор ривожиди ёқилғи-энергия ресурслари ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Чунки санаот маҳсулотлари ишлаб чиқаришда энергиядан фойдаланилади, яъни, маҳсулотнинг таннархи бевосита энергия истеммолига боғлиқ бўлади. Шу сабабли мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган янгиликлар ва ўзгаришлар санаот тармоқларига "яшил энергия" тизимини жорий қилиш, инновацион тараққийётни жадоллаштириш, табиий ёқилғи-энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилгани билан дунё жамоатчилигининг эътиборини тортмоқда.



Келажақда тугилиши мумкин бўлган энергия муаммосининг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда ёқилғи-энергия ресурсларини тежаш, айниқса, инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда мамлакатимиздаги илмий-тадқиқот институтлари ҳамда олий ўқув юртларида ёш олимларимиз томонидан соҳада ўз ечимини кутаётган муаммоларга ечим топиш, янгидан-янги инновацион гоа ва ишланмаларни яратиш, бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор.

Жорий йилнинг 22 декабрида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтига «Энергетикалар кўни»га бағишланган «Ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишнинг долзарб муаммолари ва ечимлари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ташкил этилди. Унда энергия тежовчи самарадор технологияларни ва

инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш, фан-таълим-ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион, корпоратив ҳамкорликни ривожлантириш ва соҳа учун малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар, илмий тадқиқотлар натижалари муҳокама қилинди, истиқболдаги асосий вазифалар белгилаб олинди.

— Институтимизда Ўзбекистон Фанлар академияси "Физика-Кўёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Физика-техника институти, Энергетика ва автоматика институти, Тошкент давлат техника университети ва Қарши давлат университетининг етакчи олимлари билан ҳамкорликда муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш йўналишида илмий изланишлар олиб борилмоқда, — дейди Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг илмий ишлар бўйича проректори, Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси Фулом Узо-

қов. — Инновацион илмий тадқиқот натижалари бўйича институтда охириги уч йилда иккита илмий монография, 30 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилди, 14 та илмий ихтиро учун талабномалар берилди, учта илмий ихтирога патент олинди. Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган республика инновацион гоаялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасига 10 дан ортиқ инновацион ишланмалар тақдим қилинди.

Шунингдек, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва илмий асосланган натижалар олиш ҳамда тадқиқотларни талабаларнинг илмий ишлари билан уйғунлаштириш мақсадида Германия академик алмашинуви (DAAD) дастурининг "Ривожланаётган мамлакатларда илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим тизимини такомиллаштириш гранти" асосида институтимизда "Муқобил энергия манбалари" ўқув-илмий лабораторияси ташкил этилди. Ушбу лаборатория таркибиди автоном электр таъминоти учун поликристалл қуёш панеллари, қуёш энергиясидан иссиқ сув оладиган вакуумли коллекторлар, шамол двигатели ва қуёш радиациясини, ҳавонинг босими, намлиги, ҳарорати ҳамда шамолнинг тезлиги ва йўналишини юқори аниқликда ўлчаш имконини берадиган МЕТЕО32 ўлчов асбоблари мажмуаси мавжуд. Мазкур замонавий ўқув-илмий лаборатория институтнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фан-таълим-ишлаб чиқариш ўртасидаги корпоратив ҳамкорлик, илмий тадқиқотлар кўлами ва самарасини ошириш, "энергия қурилмалари" ихтисослиги бўйича илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва талабаларни илмий ишларга жалб қилиш учун катта имконият яратади.

Қизгин мунозаралар, асосли инновацион таклифларга бой бўлган илмий-амалий конференция ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш, табиий ёқилғилардан самарали ва оқилона фойдаланиш ҳамда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатини амалга ошириш борасида ўзига хос илмий ечимларни ўртага ташлаганлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Илёс САХАТОВ,
«Adolat» мухбири

«Хонқа чорва озуқа бирлашмаси» МЧЖ жамоаси

*халқимизни
кириб келаётган
2014 йил билан
табриклайди.*

*Янги йил
Сизларга бахт,
омад, қувонч,
тинчлик ва
хотиржамлик
келтирсин!*

«Ўзнефтьмахсулот» акциядорлик компанияси

**«ДЕНОВ НЕФТЬ БАЗАСИ»
унитар корхонаси жамоаси**

барча юртдошларимизни

Янги — 2014 йил —

*Соғлом бола йили
билан табриклайди.*

*Барчангизга узоқ умр, сиҳат-
саломатлик, оилавий бахт тилайди.*

*Янги йил мамлакатимиз ҳаётида
янгиликлар, юксалишлар даври
бўлиб қолади. Бўзлаган барча эзгу
ишларимиз амалга ошин.*

*Сизларга бахт ва
омад ҳамиша ёр бўлсин.*



Хуқуқ

Истеъмолчилар ҳуқуқи ҳамisha эътиборда

Ижтимоий шерикчилик

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги Меҳмонхона ҳўжалиги коллежида Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ва Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳамкорлигида «Банк пластик карточкаларидан қандай фойдаланасиз?» мавзуида «Очик эшиклар куни» бўлиб ўтди.



жавоб бермаётганлиги ҳолатлари учраб турибди.

Шу билан бирга, жойларда маҳсулотларнинг пластик карточкаларга қимматроқ нархларда сотилиши ёки айрим хизмат кўрсатиш ва савдо ташкилотларида терминалларни атайин ишлатмаётган «тадбиркорлар» фаолияти юзасидан мурожаатлар ҳам мавжуд. Мазкур мурожаатларнинг деярли барчаси солиқ органлари вакиллари билан баҳамжиҳатликда ижобий ҳал этилаётди.

Албатта, бу борадаги муаммоларга чек қўйиш юзасидан аҳоли ўртасида истеъмолчи-

ларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари кенг тарғиб қилинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида Федерация ва унинг ҳудудий бирлашмалари ҳамда туман (шаҳар) жамиятлари томонидан жойларда «Истеъмолчи ҳуқуқи», «Жамоатчилик назорати», «Концепция: устувор вазифалар», «Ижтимоий шерикчилик» мавзуларида ўқув-семинар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Теле ва радио каналларда эшитириш ҳамда кўрсатувлар уюштирилди. Марказий газета ва журналларда мақолалар чоп этилди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари соҳага оид муаммоларни ҳал этиш, тегишли тақлиф ва ташаббусларни ишлаб чиқишда давлат ва нодавлат ҳамда жамоат ташкилотларининг ўрнини ошириш бўйича ўзаро фикр-мулоҳаза алмашди.

«Очик эшиклар куни»да соҳа мутахассислари томонидан истеъмолчиларнинг барча саволларига батафсил жавоб берилди.

Бобир ОТАМУРОДОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

«Ёш адолатчилар» қаноти

Мамлакатимиз тараққиётининг эртанги кунини белгилаб берувчи, жамиятнинг энг илғор қатлами бўлган ёшлар билан ишлаш, улар орасидан ҳар томонлама етук, сиёсий феоли, инновацион фикрлайдиган, ташаббускор ёшларни партия аъзолари сафига жалб этиш, улар ҳисобидан кадрлар захирасини шакллантириш масаласига Ўзбекистон «Адолат» СДП томонидан муҳим аҳамият қаратиб келинмоқда.

Ёшлар — партиянинг умид ва ишончи

Ўзбекистон «Адолат» СДП Янгибозор тумани Тиббиёт бирлашмаси қошидаги БПТ ташаббуси билан «Ёшлар — келажакимиз ворислари» мавзуида ташкил этилган давра суҳбатида ҳам шу хусусда сўз борди.

Маҳаллий партия ташкилотлари томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга амалий ёрдам бериш бўйича 30 дан зиёд амалий ва назарий тадбирлар ташкил этилди, — деди Янгибозор тумани кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти раиси Х.Матсапаев. — Тадбирларнинг асосий йўналишлари ёшларнинг жамиятда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларда инновацион тафак-



курни ривожлантириш, сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, мафқуравий иммунитетини кучайтириш ҳамда «Адолат» СДП фойдалари тарғиботини янада жонлантиришдан иборат бўлди. Жумладан, «Ёш адолатчилар» партиянинг катта умиди ва ишончи», «Биз эртанги кун эгаларимиз» мавзуларидаги семинар ва давра суҳбатларида феоли иштирок этган ёшлар томонидан ушбу ижтимоий қатлам манфаатларини ҳимоя қилишга доир долзарб тақлифлар олинди.

ни қийнаётган бошқа муаммоларни ўрганиш ва ижобий ҳал этиш ҳам партиянинг «Ёш адолатчилар» қаноти олдида турган долзарб масалалардан бири эканлиги таъкидланди. Шунингдек, йиғилишда вилоятда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ёшлар иштироки ва фаоллигини кучайтириш юзасидан қатор тақлифлар билдирилди.

Иқболлой НИШОНБОВЕВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти кенгаши матбуот котиби

Ватанпарварлик — юртга муҳаббат ва ифтихор белгиси



Ҳамкорлик

Ватанни сўюб ардоқлаш, кўз қорачиғидек асраш, унинг мустақиллиги, тинчлиги ҳамда фаровонлиги йўлида керак бўлса жон фидо қилиш, элига, киндик қони тўкилган она заминга содиқ ҳар бир фарзанднинг бурчидир.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши мажлислар залида «Мен Ўзбекистон фарзандиман!» шiori остида бўлиб ўтган семинар ёшларни буюк аждодларимиз, саркардаларимиз каби фидойи, жасур ва мард бўлиб улғайишлари, Ватан учун ҳақиқий жонкуяр бўлиб воёга етишлари мақсадида ўтказилди. Унда Ўзбекистон жангчи-фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмаси республика Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари, «Адолат» СДП феолилари, нодавлат таълим муассасалари мураббийлари ва тарбияланувчилари, «Камолот» ЕИХ ва бошқа жамоат ташкилотларининг етакчилари ва ёшлар иштирок этдилар.

Узбекистон жангчи-фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмаси республика Кенгаши раиси Т.Муродовнинг айтишича, мазкур семинар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузу-

ҳам мустаҳкам, барқарор бўлади.

Семинар давомида бир қатор фахрийларнинг ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ва буюк аждодларга нисбатан фахрланиш тўғрисидаги мустаҳкамловчи маърузалари иштирокчиларда чуқур таассурот қолдирди.

Семинарда «Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни гiҳвандликдан, ахлоқсизликдан, турли зарарли иллат ва бошқа ёт таъсирлардан ҳимоя қилиш» мавзуида Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси, ҳалқ депутатлари Чирчиқ шаҳар кенгаши депутати А.Самеджанов ҳамда «Ахборот хуружи ва унга қарши кураш йўллари» мавзуида Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси, ҳалқ депутати Т.Матибаев маърузалари тингланди.

Иштирокчилар ўртасида тадбир мавзуси бўйича викторина ўтказилди.

Тадбир сўнггида ёшлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар тингланди, викторина ғолиблари тақдирланди.

Феруз ЖўРАЕВ, «Адолат» муҳбири

Сўранг, жавоб берамиз!

Мен давлат идорасига ариза билан мурожаат этган эдим. Улар менга тўрт ой деганда жавоб йўллашди. Шу тўғрими?

К.Нодирова, Марғилон шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни 17-моддасига кўра, фуқароларнинг мурожаатлари, агар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколати доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади.

Шунингдек, ушбу қонунинг 18-моддасига кўра, фуқароларнинг тақлифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб эътиборан тақлифлар бундан мустасно ва бу ҳақда тақлиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб эътиборан ариза ёки шикоятлар эса ўн беш кундан кенчиктирмай кўриб чиқилади.

Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тарикасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади.

Қўшимча яқинда туман бюджетдан ташқари пенсия жамғормаси маъсул ходимини асоссиз равишда ҳақоратлаб, унга нисбатан тўхмат қилганлигини ва юқори ташкилотга шикоят билан мурожаат этганини, ҳозирда қилган ишидан афсусда эканлигини айтиб ўтди.

Айтинг-чи, мазкур турдаги мурожаатлар учун амалдаги қонунчилик бўйича жавобгарлик белгиланганми?

Э.Зоиоров, Бешариқ тумани

Мазкур қонуннинг 26-моддасига кўра, фуқароларнинг тўхмат ва ҳақоратдан иборат ариза, тақлиф ёки шикоят берганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41-моддаларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139, 140 ва 158-моддаларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган.

Бундан ташқари, қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, бида туриб сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларни текшириш муносабати билан давлат органи томонидан сарф қилинган харажатлар фуқародан суднинг қарорига биноан ундириб олинishi мумкин.

Саволларга Фарғона вилоят адлия бошқармасининг бош маслаҳатчиси А.ЮНУСОВ жавоб берди.

Ота-онани моддий таъминлаш деганда нима тушунилади?

С.Якубова, Хонқа тумани

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасида «Воёга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида мажбурийлик қилишга мажбур бўлишлари», деб белгилаб қўйилган. Ушбу нормага кўра, ҳар бир фарзанд ота-оналари турмушдан хабардор бўлиб, сийҳат-саломатлигига катта эътибор беришлари, улар муҳтож бўлган нарсаларни муҳайё қилиб туришлари лозим. Конституциямизга мувофиқ, бундай мажбурият воёга етган ва меҳнатга лаёқатли фарзандлар зиммасига юклатилади.

Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланганми?

Н.Матназарова, Урганч шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 123-моддасига кўра, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу моддага асосан, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун:

- фарзандлар зиммасига ота-оналарини ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлаш учун маблағ тўлаш мажбуриятини юкловчи суднинг ҳал қилув қарори мавжудлиги;
- мазкур шахсларни боқиш учун ундирилган маблағларни жами уч ойдан ортик муддат мобайнида қасддан тўламаган бўлиши аниқланиши лозим.

Агарда ушбу ҳолатлар аниқланиб, ўз исботини топса, у ҳолда ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товланган шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 123-моддаси санкциясида кўрсатилган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок муддати билан жазоланади.

Ота-онани бериладиган таъминот тарзидаги алимент миқдорини белгилаш ва ота-она таъминоти учун қилинадиган қўшимча харажатларни қоплаш қандай амалга оширилади?

Д.Раҳимов, Ҳазорасп тумани

Воёга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан ота-она таъминоти учун ундирилмаётган алимент миқдори кўнун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг учдан бир қисмидан кам бўлмашлиги керак. Бундай алиментларни ундириш тўғрисидаги даъволар боланинг ёки болалардан бирининг яшаш жойидаги, шунингдек, даъвогар яшаб турган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича судга тақдим этилади. Бунда давлат божи ундирилмайди.

Воёга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ота-онасининг касаллигига ёки бошқа узрли сабабларга кўра қилинадиган қўшимча харажатларда иштирок этишлари шарт.

Икки нусхадаги даъво аризасига болаларнинг тутилганлик ҳақидаги гувоҳномалари нусхалари, ариза берувчининг яшаш жойидан маълумотнома, ариза берувчи оладиган пенсия миқдори тўғрисидаги маълумотлар илова қилинади.

Воёга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг ўз ота-онасига таъминот бериш мажбурияти қандай тартибда белгиланади?

Г.Аллаёрова, Хива шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 110-моддасига мувофиқ, воёга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, таъминот миқдори болаларнинг оилави ва моддий аҳолини ҳисобга олган ҳолда, суднинг ҳал қилув қарори асосида белгиланади.

Алимент ундириш ҳақидаги талабни ота-она ўз болаларининг бирига ёки бир нечтасига нисбатан қўйганлигидан қатъи назар, алимент миқдорини белгилашда суд воёга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг барчасини ҳисобга олиши лозим.

Таъминот сураётган ота-она ўз вақтида ота-оналик мажбуриятларини бажармаган бўлса, таъминот ундириш ҳақидаги талаб рад этилиши ҳам мумкин.

Саволларга Хонқа тумани ФХДЁ бўлими инспектори Дилдора НУРМЕТОВА жавоб берди.

Интизомга риоя этиш — ютуқлар омили

Солиқ сиёсати

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар, авваломбор, бюджет ва солиқ соҳаларини эркинлаштириш жараёни иқтисодий тизимнинг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурийлиги белгиланган. Шунингдек, ушбу норма Солиқ кодексининг 6-моддасида ўз ифодасини топган.

Бугунги кунда мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини таъминлаш, унинг қонунчилик базасини шакллантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида иқтисодий барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг асосий манбаи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳити учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмининг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми (электрон рўйхатдан ўтказиш) жорий этилди.

Ушбу қарорда электрон рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатларини масофадан туриб ва интерактив расмийлаштириш йўли билан намунавий шакллар асосида тайёрлаш имконияти бўлган Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали

амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам Солиқ кодекси амалга оширилаётган бозор ислохотларининг орта қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилаётганлиги таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ солиқ ҳисоботлари ҳамда бошқа ҳисобот турларини тақдим этишнинг белгиланган даврий муддатлари қисқартирилди, шу билан бирга ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўловларни амалга ошириш муддатлари сақлаб қолинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 59-моддасига мувофиқ, солиқнинг бўлиб бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори соҳа ривожига туб буриши ясади.



мавжуд бўлишдан қатъий назар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни Солиқ кодексига белгиланган тўлаш муддатидан кечиктирмай уларни хизмат кўрсатаётган банкка тўлаш учун тўлов топшириқномасини тақдим этиши шартлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 175-моддаси 3-қисмига асосан, касса операцияларини юритиш тартиби ва тўлов интизомини бузиш, шу жумладан, қарздор корхоналардан тўловларни ундириш бўйича солиқ органларининг инкассо топшириқларини бажармаслик, шунингдек, дебиторлик ва кредиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юбориш ҳамда корхоналарнинг ҳисоб-рақабларида тегишли маблағлар бўлган ҳолда тўловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатларини бузиш, шунингдек, пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатини бузиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни 4-моддасида солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ ва валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек, давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Мамлакатимизда иқтисодий соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, яширин иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи шахсларни фож этиб, бюджет ва бюджетдан ташқари мажбурий тўловлар ва йиғимларни таъминлаш ҳамда давлат манфаатларига етказилган зарарларни ундириш чоралари кўрилмоқда.

Бироз яратилган қулай муҳит, имтиёз ва қўллаб-қувватлашларга қарамай, жойларда баъзан айрим фуқаролар томонидан қонуний фаолият олиб боришни истамаслик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Зиммасидаги фуқаролик мажбуриятига онгли тарзда ёндашадиган интизомли солиқ тўловчилар билан бир қаторда, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлашдан бўйин товлайдиган, ноқонуний йўллар билан бойлик орттиришга уриниладиган шахслар ҳам учраб туради. Бугунги кунда давлат солиқ сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, солиққа тортиш базасини кенгайтириш, солиқ тўловчиларнинг қамраб олиниши ва ҳисоби тўлиқлигини таъминлаш, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, қочиш мумкин бўлган қаваллар ва механизмларнинг, «хўфёна» иқтисодийнинг шаклланиши йўллари, коррупция ҳолатларининг ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан бир қанча самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Биргина 2013 йилнинг 9 ойи давомида солиқ соҳасидаги жиноятлар ва қонунбузилиш ҳолатларини аниқлашда Департаментнинг Марказий маҳкамаси ва ҳудудий бўлимлари томонидан 573 жиноят иши қўзғатилган. Ушбу жиноятлар ишлаб чиқариш, фойда (даромад) ҳажмларини яшириш, сотилган маҳсулот, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини пайсатириб кўрсатиш, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисобга олинмаган (тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлмаган) маҳсулотлар (товарлар) сотилиши, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджетга солиқлар ва тўловларнинг нотўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланмаслиги билан боғлиқ қонун ҳужжатлари бузилиши натижасида содир этилганлиги аниқланган.

Хулоса қилиб айтганда булсақ, солиқ бозор конъюнктурасини бошқаришда ўзига хос восита ҳисобланади. Солиқ воситалари орқали иқтисодий ривожлантириш ва керак бўлса, уларнинг инқироз ҳолатига тушиб қолишига сабабчи бўлиши мумкин. Шу боис молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тўғри йўналтириш, самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда солиқ муносабатлари муҳим роль ўйнайди. Солиқ сиёсатини оқилона юритиш орқали нафақат макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, балки мукамал бюджет сиёсатини юритишга, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга эришилади.

Ҳасан ҲАЙИТОВ,
юридик фанлар номзоди

Давлат мулкини ёнгиндан асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир



Корхонада ёнгин хавфсизлигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ёнгин ва портлаш хавфи юқори бўлган ушбу корхонада углеводород ва нефть ҳомашёсини олиб келиш, уни қайта ишлаш, ҳосил бўлган тайёр нефть маҳсулотларини сақлаш ва керакли манзилларга жўнатиш жараёнида ёнгин ва техника хавф-

режаси тузилди. Режага асосан «Ёнгин хавфсизлиги ойлигининг» I ва II декадасидан тарғибот ва ташвиқот ишлари учун 18 дона панно, лозунглар ва 6 та ёнгин хавфсизлиги бурчаклари, 1 дона макет, 5 дона деворий газета ташкил қилинди ва цех ҳудудларига осиб қўйилди. Жами шу даврда 1 100 000 сўмлик иш бажарилди. Цех ҳудудига 9 дона ёнгин ўчириш қалқони бирламчи ўт ўчиргич анжомлари билан таъминланган. Бу ерда 11 дона ички ёнгин ўчириш жўмакларни ўрнатилган бўлиб, улар ёнгин ўчириш энгликлари ва дастаклари билан тўлиқ жиҳозланган. Бундан



сизлиги қондалари бузилиши кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, заводимизнинг асосий цехларидан бири ҳисобланган 3-цехда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш цех ишчи-ҳодимлари учун энг устувор масала ҳисобланади. Чунки цехимиз заводнинг бир меъёрида ишлаб туриши учун сувоқтирилган ва газ ҳолдаги азот, ксилород ҳодимларини рағбатлантиришга йўналтирилди.

Ташқари, содир бўлган ёнгинларни зудлик билан бартараф этиш мақсадига цехимиз участкаларида 60 дона қуқунли ва углекислотали ўт ўчиргичлар ҳам шай қилиб қўйилди. Ишчи-хизматчилар ўртасида ёнгинга қарши тушунтириш ишлари доимий равишда олиб борилаётганда. «Олов бу душмандир!», «Ёнгин хавфсизлиги ойлигини намунавий ўтказайлик», «Ишлаб чиқаришда ёнгин хавфсизлигини таъминлайлик», «Оловдан — эҳтиёт бўлинг!» каби мавзуда ҳодимларимизнинг чиқишлари ташкил этилди. «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» даврининг I ва II декадасигача цехимизнинг 47 нафар ишчи-ҳодими Бухоро вилоят ИИБ ЭХБ тарғибот-ташвиқот марказига ташриф буюриши ва Ёнгин хавфсизлиги хизматининг тарихи, ривожланиши, халқ ҳўжалиги объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган экспонатлар билан таништирилди.

Олим АСРОПОВ,
Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи цех бошлиғи ўринбосари

Президентимизнинг 2012 йил, 16 июлда «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Шунга кўра, солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботи тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши, муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан Солиқ кодексининг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган мамлакатимизда солиқ сиёсатининг тақомиллашуви ва аҳолига қудайликлар яратиш ишига хизмат қилаётганлиги таъкидлаб ўтилган.

Интерактив хизмат — қулай восита

Шуларга асосан Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан бугунги кун талабига жавоб берадиган янги ҳисобот шакллари ишлаб чиқилди. Унга кўра, Давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган янги ҳисобот шаклларида 11 турдаги солиқ ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар бирлаштирилиши натижасида 5 тага тўширилди. Жумладан, фойда солиғи билан ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов билан фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадалли бюджетдан ташқари пенсия, йўл ҳамда таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисобот шакллари бирлаштирилди.

Фойдаланувчилар учун 1,7 бараварга ва умумбелгиланган тартибда солиқ тўлаш тизимидagi корхоналар учун 2,4 бараварга қисқартирилди. Тасдиқланган солиқ ҳисоботи шакллари ва уларни тўлдиритиш тартиб қоидалари мазмун-мохияти Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг www.soliq.uz, www.hisobot.uz, ва www.otchet.uz интерактив хизматлар сайтларида жойлаштирилди. Ушбу сайтлар орқали солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботларини мустақил равишда шакллантириб, электрон кўринишида солиқ органларига жўнатишлари қудай имкон яратилди.

Жами 12 турдаги солиқ ҳисоботларини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиб, 2013 йил 1 январдан бошлаб қўшимча фойда солиғидан ташқари, барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий ажратмалар бўйича ҳисобот шакллари бирлаштирилди.

Амалга оширилаётган ишлар натижасида бугунги кунда Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманида рўйхатга олинган ва электрон рақамли имзога эга корхоналарнинг 94 фоизи ҳисоботларини электрон кўринишида тақдим этмоқда. Интерактив хизматлардан фойдаланувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар сони кўндан-кўнга ортиб бориши Давлат солиқ қўмитасининг интерактив хизматлар тизими солиқ тўловчилар учун қудай восита эканлигини кўрсатмоқда.

Рустам ИНОЯТОВ,
Ҳамза туман ДСИ бўлим бошлиғи

Маҳаллий маҳсулотга имтиёзлар

Мамлакатимизда экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқориши янада рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқларо рақобат ўртасидаги саноат кооперациясини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириши янада чуқурлаштириш бўйича 2011-2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори соҳа ривожига туб буриши ясади.

Ушбу имтиёзлар эвазига бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, фаолиятини кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, сифатни бошқариш тизимини жорий этиш, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ҳомашё ва материаллар сотиб олиш, ма-

ҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб қилинган корхоналарнинг муҳандис-техник ҳодимларини рағбатлантиришга йўналтирилди.

Ташкил ҳоизки, туманимизда 7 та корхона мазкур қарор асосида имтиёзлардан унумли фойдаланиб, ўз равангини мустаҳкамлаб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида солиқ имтиёзлари эвазига 4590,7 миллион сўм миқдордаги маблағ ушбу корхоналар иштиёрида қолган.

Бир сўз билан айтганда, қарор тегишли тармоқ корхоналарини ривожлантириш, замонавий юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган корхоналарни жадал барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантириш, қолаверса, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган арзон ва рақобатбардош маҳсулотлари билан тўлдиритишга йўналтирилган.

Шохрух УБАЙДУЛЛАЕВ,
Учтепа туман ДСИ бўлим бошлиғи

Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси

«ҚАРШИ ЁҒ-ЭКСТРАКЦИЯ»

очик акциядорлик жамияти жамоаси

Юртимиз аҳлини
2014 йил — «Соғлом бола йили»
билан қизгин қутлайди.

Озод ва обод юртимизда тинчлик-осойишталик, хотиржамлик мангу барқарор бўлсин. Киндик қонимиз тўкилган муқаддас Ватан — азиз Ўзбекистонимиз янада гуллаб яшнасин. Маннатмонанд юртимиздан фаровонлик, фазл-бароқат, тўқин-сочинлик, улкан зафарлар асло аримасин.

Янги йил барчангизга муборак бўлсин!

Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги «Эргаш Азиз» МЧЖнинг муҳр ва штампни йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ





«ШҲҲРТАНГАЗКИМЁ»

мажмуаси жамоаси

барча юрtdошларимизни, нефть
ва газ саноати ходимларини

**2014 — Соғлом бола йили билан
муборакбод этади!**

Барчага

**сиҳат-саломатлик,
тинчлик-хотиржамлик,
оилавий бахт-саодат
тилайди!**

**ОНА ДИЁРИМИЗНИНГ МУСАФФО
ОСМОНИ УЗРА ҲУРРИЯТ ҚУЁШИ
АБАДИЙ НУР СОЧИБ ТУРСИН!**



**«Микрокредитбанк»
очиқ акциядорлик-тижорат
банки жамоаси**



*барча юртдошларимизни
Янги йил байрами билан самимий
қутлайди!*



Кириб келаётган «Соғлом бола йили» мамлакатимиз тараққиётида ушбу йилда юртдошларга бейбўлаб, барчамизнинг хонадонларимизга қут-барака, ободларимизга аҳиллик ва фаровонлик, тинчлик, осойишталик, қувонч ва бахт олиб келсин!

«Ўзтрансгаз» АК



**«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ»
УНИТАР КОРХОНАСИ**

азиз юртдошларимизни кириб келаётган
янги **2014 — Соғлом бола йили** билан
самимий муборакбод этади!

Ватанимиз тараққиёти ва равнақи йўлида самарали меҳнат қилаётган халқимизга самимий ҳурмат ва эҳтиром изҳор этади. Ушбу эзгу ишларингизда Сизларга омад, дастурхонингизга қут-барака тилайди.

Фарзандларимизни соғлиқ-саламатлик, қувонч, юртимизга бўлган садоқат, шижоати ҳеч қачон тарк этмасин!



Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси

«КОНТИНЕНТ Н» «ЁҒ-МОЙ»

**масъулияти чекланган
жамияти жамоаси**

*барча юртдошларимизни
Янги — 2014 йил билан
чин қалбдан муборакбод этади!*



«Соғлом бола йили» деб номланган мазкур йил она Ватанимиз тараққиётида жадал ривожланиш ва иқтисодий юксалишлар даври сифатида тарихга муҳрланиб, бахт ва омадларга бой бўлсин. Ўзининг бебаҳо ютуқлари билан юртдошларимиз қалбида ўчмас из қолдирсин. Унинг ҳар бир куни қувончу шодликларга тўла бўлсин.



**Баўрамингиз
муборак бўлсин!**

**Қўқон шаҳридаги
«МАСТОНА» ОАЖ**

жамоаси

*ўз акциядорлари, мижозлари ва ҳамюртларимизни яқинлашиб келаётган
2014 йил — Соғлом бола йили
билан чин дилдан табриклайди.*

Бағрикенг, бунёдкор халқимизнинг фаровонлиги, Ватанимиз тараққиёти ва юртимиз тинчлиги бардавом бўлишини тилаб қолади.

Кириб келаётган янги йил юртдошларимиз хонадонига файзу барака, тўкин-сочинлик олиб келсин. Ҳар бир оиладан қувонч, шодлик аримасин!





XALQ BANKI
jamoasi

Sizni
kirib kelayotgan **Yangi — 2014 yil**
bilan samimiy muborakbod etadi.

Yangi yil barchamizga tinchlik-omonlik,
oilaviy baxt va dasturxonimizga
qut-baraka olib kelsin.



2014
Хоразм вилояти
**«ХАЗОРАСП УНИВЕРСАЛ САВДО
КОМПЛЕКСИ» ОАЖ ЖАМОАСИ**
бутун Ўзбекистон халқини,
соҳа ходимларини кириб келаётган
2014 — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ
билан самимий қутлайди!

Юрт равақи йўлида меҳнат қилаётган барча фуқароларга
соғлиқ-омонлик, куч-зайрат, зафар ҳамиша ёр бўлсин!




«BIRINCHI AVTOKORXONALAR»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ҳамюртларимизни
2014 — ЯНГИ ЙИЛ
байрами билан қутлайди!

Юртимиз истиқболи йўлида амалга
ошираётган ишларингизда улкан
муваффақиятлар тилаймиз.

**Йўлларимиз раван,
турмушимиз фаровон бўлсин!**




IPOTEKA BANK

«Ипотека-банк»
жамоаси

Сизларни кириб келаётган
Янги — 2014 йил билан
табриклайди!

Янги йил Сизларга бахт ва омад,
қувонч, мустаҳкам соғлиқ,
тинчлик-хотиржамлик
келтирсин!



Андижон вилояти

**«ТАЪЛИМ, ҚУРИЛИШ ВА
ТАЪМИРЛАШ» МЧЖ ЖАМОАСИ**
Сизларни Янги — 2014 йил байрами
билан қутлайди!

Барчангизга сиҳат-саломатлик,
фаровонлик, қувонч, юрт тинчлиги
ва эл фаровонлиги йўлида амалга
ошираётган бунёдкорлик
ишларингизга ривож тилаймиз.

2014





Pharmed
хусусий корхонаси жамоаси



**юртимиз аҳли ва
меҳмонларини кириб келаётган
2014 — Соғлом бола йили
билан табриклайди.**



**Янги йилнинг ҳар бир лаҳзаси
барчамизга қувонч ва
шодлик ҳадя этсин!**

**Мустаҳкам соғлиқ,
бахт-саодат тилаймиз!**



ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!



«Асака» банк (ОАЖ)

Сизларни яқинлашиб келаётган **Янги 2014 йил** билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:

«Янги йил 2014»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Анджон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк – сармоянгизнинг сақланиши ва кўнайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган

«Ўзтрансгаз» АК

«ҒАРБҒАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИ

халқимизни яқинлашиб келаётган
янги 2014 – Соғлом бола йили билан қутлаймиз!

Янги йилда ҳам Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва юртимиз тинчлиги бардавом бўлсин.



Байрам

қаерда, қачон, қандай нишонланади?

Бу турфа олам

Янги йил, шубҳасиз, барчанинг, айниқса болаларнинг сеvimли байрами. Ушбу байрамни бүтун дунё халқлари ўзгача шукҳ билан қаршилайди. Унинг эътиборли жиҳати шундоки, байрам ҳар бир мамлакатда асрлар давомида яшаб келаётган урф-одат ва удумлар асосида турлича, ҳаттоки турли саналорда нишонланади. Масалан, шу кун Колумбия кўчаларида эски йилнинг рамзи сифатида узун ёғоч оёқли кўғирчоқ-одомларни учратиш мумкин. Шотландлар «Хонадон ўчоғидаги олов ҳеч қачон ўчмасин, дастурхони эса тўкин бўлсин», деган ниятда мезбонликка кўмир бўлагини олиб боришади. Қисқаси, бугунги сонимизда ҳаҳонинг турли давлатларида Янги йилни қутиб олиш билан боғлиқ қадимий анъаналар, саналар ҳақида сўз юритамиз.



Англияда 1752 йилда Янги йил расмий байрам мақомини олган. Шу кун Лондон кўчаларида катта сайл уюштирилиб, Беркли майдонига келган ҳар бир киши карнавал иштирокчисига айланган. Ушбу сана муносабати билан аҳоли ўртасида ёру дўстларга табрик хати юбориш анъана тусини олган. Инглиз халқи Янги йилдаги биринчи меҳмон хонадон аъзоларига албатта омад келтиришига ишонишади, шу боис кўпинча ёш, келишган ва соғлом йигитни куттишади. Одамлар меҳмондорчиликка нон, пирог, туз ва бир бўлак кўмир олиб боришади. Чунки нон ва пирог мўл-кўллик, кўмир иссиқлик, туз эса бойлик рамзи ҳисобланади. Лондондаги машҳур «Big Ben» соати 24 га бонг урганда мушакбозлик бошланади ва ҳамма байрам мадҳиясини кўйлайди. Қадимий таомилга кўра шу онларда эски йилни қуздатиш ва Янги йилни қутиб олиш учун уй эшикларини очиб қўйилади.

Италияда Янги йил Саропаппо деб номланади. Асосий тантаналар 6 январь кун Римдаги Пьяцца дель Пополо майдонига бўлиб ўтади. Ҳақиқий италияликлар Янги йилгача қарзларидан қутулишлари, синик идиш, эски кийим ва мебелларни деразадан кўчага улоқтиришлари керак. Вақт ўтган сари аҳолининг катта қисми бу одатдан воз кечаётган бўлса-да, байрам

арафасида Рим кўчаларида сайр қилиш барибир хавфли. Шунга ўхшаш одат Непалда ҳам бор, ушбу мамлакатда ой тўлишган тунда катта гулхан ёқилади ва унга кераксиз буюмлар ташланади.

Одатда италияликлар Янги йил арафасида қизил раангли кийим ва жиҳозларни харид қилишади. Шу боис дўконларнинг пештахталари қирмизи раангга буюмлар билан тўлдирилади. Байрам дастурхонида албатта ёнғок, узум ва улардан тайёрланган таом бўлиши шарт. Чунки Италияда ёнғок — узок умр, узум — тинчлик-хотиржамлик рамзи саналади. Мамлакатнинг айрим ҳудудларида Янги йил кириб келишидан олдин бой-бадавлат бўлиш ниятида 12 донга узум истеъмол қилинади. Шунингдек, салбий оқибатлардан қутулиш учун идиш-товоклар синдирилади. Фарзанд кўриш сирасида эр-хотинлар биргаликда анор ёйишади, турмушлари фаровон бўлишини хоҳлаганлар эса 1 январь кун чўнтакларини тўлдириб кўчага чиқишади.

Италияда қорбобони «Баббо Натале» деб аташади ва у америкаликларнинг Санта Клаусига худаям ўхшайди. Бироқ байрам совғаларини болаларга у эмас, балки олижаноб Фея Бефана улашади. Афсоналарга кўра, у ярим тунда учиб келиб, йил бўйи ўзининг яхши хулқи ва одоби би-

лан бошқаларга ўрнатилган, тўполончиларга эса кўмир бўлагини қолдириб кетади.

Янги йилнинг эртасига кўчада кекса ёки бўкири одамни учратиш, бундан ташқари, эрта тонгда, яъни кўёш чиққунга қадар уйга бўлоқдан сув олиб келиш ҳайридир.

Хитойда Янги йил икки марнати: 1 январь кун ва янги ой чиққан пайтда нишонланади. Ушбу мамлакатда Янги йил Чунцзе (Баҳор байрами) деб номланади, кўп асрлик тарихга эга. Хитойликлар қадимдан янги ой чиққан кундан бошлаб, 15 кун давомида байрам қилишган. Одатда бу январь-февраль ойларида тўғри келган.

Бу юрт одамлари уйларини чиннидек тозалаш, остонадаги эшикка қордек олоқ қорғозларни ёпиштиришади. Шу орқали қора кучлар қувилади. Бу кун оила аъзолари ёрқин қизил раангдаги кийимларни кийишади. Қизил раанг эса ёвуз руҳларни ҳайдаркан. Хитойликлар ҳам худди италияликлар каби қарздан қутулишига ҳаракат қилишади.

Байрамонга кечки овқатдан сўнг, одатда, болаларга қизил конвертда «бахт пули» тарқатилади. Уларнинг фикрича, бу йил давомида омад келтираркан. Илгари юз йил умр кўришга ишора сифатида 100 та чака совға тариқасида берилган.

Ушбу миллат вакилларида яна бир қизиқ анъана бор: байрамни қутиб олишга келган меҳмон хонадон соҳибларига 2 та мандарин совға қилади. Ўз навбатида, у қайтаётганда уй эгаларидан 2 та бошқа мандарин олади. Бу одат тахминан миллоддан 1000 йил аввал пайдо бўлган ва бир жуфт мандарин «олтин» маъносини англатади.

Умуман олганда, совғани жуфт бериш одати азалдан сақланиб келаётган бўлиб, оилавий жуфтлик маъносини англатган. Меҳмон совғани мезбонга кетишдан олдин топширган ёки уйнинг бир чеккасига яшириб қўйган.

Хитойда оила аъзоларидан бири байрамда қатнаша олмаса ҳам унга дастурхон атрофида жой қолдирилади. Янги йил кириб келаётган пайтда пичоқ ишлатилмайди. Чунки у гойибдан келадиган бахт ёки омадни беҳосдан кесиб қўйиши мумкин экан.

Шимолда дастурхонга чўвара, жанубда эса уградан тайёрланган таом тартилади. Ҳар иккала таом ҳам узок умр белгиси ҳисобланади. Шу кун ҳеч қим ухламайди. Чунки уйкудаги одам келган бахтни кўлдан чиқариб юборармиш.

Вьетнамда Янги йил ой календарига бўйича (20 январь ва 20 февраль оралиғида) нишонланади ва Тет деб номланади. Мамлакат шимолдаги хонадонларда байрам арафасида

гуллаётган шафтоли шохчаси ўрнатилади ёки кичкина мандарин дарахти ясатилади. Кўчалар эса гуллаётган новда ва гулдасталар билан безатилади. Жанубдаги уйларда эса беш донга ўрик гули бор бўлган шохчалар «арча» вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, уй меҳробига тарғувиз қўйишади. Унинг қўп-қизил ширин бўлақлари омад келтираркан.

Тет оилавий байрам бўлиб, фарзанд ва набиралар бобо, буви ва ота-оналарини табриклайди. Катталар ҳам оиланинг кичик аъзоларини қўлаб, уларга қизил халтачаларда пул совға қилишади. Шу кун аёллар қизил ва сариқ, эркаклар эса қора раангли кийимлар кийишади. Ибодатхоналардаги руҳонийлар ҳам ташриф буюрувчиларга қизил халтачада пул ҳада этишади. Вьетнамликларда зоғораблиқ сотиб олиб, Янги йилдан қутаётган ниятларини айтган ҳолда ариқ ёки ҳовузларга қўйиб юбориш анъанаси ҳам бор. Мамлакат аҳолиси анъана ва одатларини минг йиллардан бери сақлаб келган уй-хўр ҳам бу ерга Тет байрами арафасида ушбу давлатга сайёҳлар оқими кўпаяди.

Покистон, Афғонистон, Эрон ва Араб давлатларида камирий ҳисоб бўйича янги йили — Хижа деб аталувчи байрами ҳар йили турли саналарга тўғри келади. Мазкур давлатларнинг айрим жойларида Янги йил баҳорнинг тенгунигида — 21 мартда ҳам нишонланади.

Грецияда Янги йил байрами январь ойининг ўрталарида авлиё Василий кун сифатида нишонланади. Греклар авлиё Василийни саҳийлик тимсоли сифатида қадрлашади ва ўша тун болажонлар камин печи олдида совға илинжида этикчаларини қолдиришади.

Хиндистонда янги йил сифатида нишонланадиган нақ саккизта сана бор. Масалан, хиндларнинг Гуди Падва кунда нимани дарахларнинг жуда аччиқ ва ёқимсиз баргларидан татиб кўриш керак. Уларнинг иримига кўра, бу инсонни турли дард ва балолардан асрайди ва хайратланарлиси — ширин ҳаёт кечиршига замин яратди.

Ҳаммамизга машҳур ҳазил кунини — 1 апрелда **Одесса (Украина)**да янги йил нишонланади. Уларнинг фикрича, 1 апрель янги кулгу йилининг бошланғишидир. Апрель ойининг 13-санасида Янги йил **Шри-Ланка** «арча» вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, уй меҳробига тарғувиз қўйишади. Унинг қўп-қизил ширин бўлақлари омад келтираркан.

Тет оилавий байрам бўлиб, фарзанд ва набиралар бобо, буви ва ота-оналарини табриклайди. Катталар ҳам оиланинг кичик аъзоларини қўлаб, уларга қизил халтачаларда пул совға қилишади. Шу кун аёллар қизил ва сариқ, эркаклар эса қора раангли кийимлар кийишади. Ибодатхоналардаги руҳонийлар ҳам ташриф буюрувчиларга қизил халтачада пул ҳада этишади. Вьетнамликларда зоғораблиқ сотиб олиб, Янги йилдан қутаётган ниятларини айтган ҳолда ариқ ёки ҳовузларга қўйиб юбориш анъанаси ҳам бор. Мамлакат аҳолиси анъана ва одатларини минг йиллардан бери сақлаб келган уй-хўр ҳам бу ерга Тет байрами арафасида ушбу давлатга сайёҳлар оқими кўпаяди.

Покистон, Афғонистон, Эрон ва Араб давлатларида камирий ҳисоб бўйича янги йили — Хижа деб аталувчи байрами ҳар йили турли саналарга тўғри келади. Мазкур давлатларнинг айрим жойларида Янги йил баҳорнинг тенгунигида — 21 мартда ҳам нишонланади.

Грецияда Янги йил байрами январь ойининг ўрталарида авлиё Василий кун сифатида нишонланади. Греклар авлиё Василийни саҳийлик тимсоли сифатида қадрлашади ва ўша тун болажонлар камин печи олдида совға илинжида этикчаларини қолдиришади.

Хиндистонда янги йил сифатида нишонланадиган нақ саккизта сана бор. Масалан, хиндларнинг Гуди Падва кунда нимани дарахларнинг жуда аччиқ ва ёқимсиз баргларидан татиб кўриш керак. Уларнинг иримига кўра, бу инсонни турли дард ва балолардан асрайди ва хайратланарлиси — ширин ҳаёт кечиршига замин яратди.

ри келадиган давлатлар ҳам бор экан. Масалан, илгари Олимпиада уйинлари ватани ҳисобланмиш **Қадимги Юнонистон**да Янги йил йилининг энг узун кунини — 22 июнь янги йилни қарши олиш байрами деб тан олинган. Бугунги кунда **Майя қабилалари** Янги йилни 16 июль кунини байрам қилишади, **Нигерияда** бу байрам августда нишонланади.

Янги йилни **Австралиялик**лар одатдагидек 1 январь кунини нишонлайди. Аммо қизиқ томони бу пайтда уларда жазиранима ёз фасли ҳукм сураётган бўлади.

Албатта, Янги йилни қачон ва қай тарзда нишонлаш ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Асосийси — ниятлар эзгу бўлиб, унутилмас ва мўъжизага бой байрам бўлиб қолсин!

Жамолдин МУҲИДДИНОВ тайёрлади.

ADOLAT
ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Суетлана ОРТИҚОВА, Мамазор ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Таълат МУРОДОВ, Тошўлат МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Аҳборот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Кабулхона — 288-42-23, 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — И.Сахатов. **Навбатчи —** Ф.Хидиров.

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рўхсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Таҳририйт манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgzt.uz
adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Ғ — 1200. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 6909. Босишга топшириш вақти — 00.00. Босишга топширилди — 00.00.

1 2 3 5

Газетанинг навбатдаги сони 2014 йил, 10 январь, жума кунини чиқади.